





Сотувда эркин нархда


Бахтиёр ХАЙДАРОВ



• Туман истиқболи режалари муҳофиза қилинмоқда.



• «Тошкент трактор заводи» давлат ҳиссдорлик жамиятида иш қизғин.



• «Протон» илмий техник корхонасидаги «Ранни» дастгоҳлари.

...Отаҳон оппоқ гишлардан тикланган бинога қўлини пешонасига соябон қилиб, қараб турарди.

— Э, баракалла, — деди у ёғоч кўтариб ўтиб кетаётган йигитга, — қўлларинг гул экан, болам. Аммо 5-Олтинтепа маҳалласи аҳли сенлардан рози, ҳа, жуда хурсанд.

Бино чиндан ҳам гўзал эди. Бир томонда чойхона, бир томонда новойхона, саргароҳхона. Ҳали гўшт дўкончаси, устакхона ҳам очилди. Идора учун ажратилган хоналар...

— Қўрқингизми? — отаҳон менга юзланди, — гузар, гузар деб орзу қилардик. Ҳар нарсанинг вақти бор экан. Мана, гузарга ҳам етказди. Қани, марҳамат, меҳмонга ўхшайсиз, бир пиёла чой ичинг, ўғлим.

Чойни узата туриб, мўйсафил давом этди:

— Туманимиздаги маҳаллаларни биларсиз? Билмайсизми? Э, аттанг. Бўлмаса бир кўриб чиқинг, ўғлим. Кетган вақтингизга ачинайсиз. Маҳаллаларга борганда гузардаги чойхонадан чой ичинг, ҳўми? Мени айтди

Вазирлар Маҳкамасининг дастуридаги биринчи сатрларда 6.985 минг квадрат метр уй-жой бунёд этиш ҳақида ёзиб қўйилган.

Мирзо Улугбек туманида бири-бирдан кўркам уй-жойларни кўриб, кўзингиз қувнайди. Қорасув даҳасидаги, Феруза мавзесидаги кўп қаватли уйлар ҳар томонлама тўқис десак бўлади.

Содиқов кўчасига борганда жадал қад ростлаётган уйларни кўриб ҳайратда қолдим. Иш суръати шу даражада эдики, гўё ҳеч нарса танқис эмас, ҳеч нарсага зориқиб йўқдек. Биров бир лаҳзагина бўлса ҳам тин олмайди.

— Қочинг, лой сачрайди, — ёнимга ўтирилсам улкан ағдаргич машина ҳайдовчиси четга ўтинг, дея имо қилди. Машинанинг темир юкхонаси баланд кўтарилди. Бетон қоршима шовуллаб тўкилди. Тўғри айтган экан, ҳалқоб сув лой аралаш атрофга сачради.

— Бир саволим бор эди, — дедим унга.

— Марҳамат, — деди у сиполик билан. — Бераверинг.

— Бу уй-жойлар шу йил битадими?

Инсон Манфаатлари йилда Палатамизнинг амалга оширилмаган тадбирлари дастури ҳам мавжуд. Унга кўра Банклар ассоциацияси, ижтимоий-иқтисодий мажмуа ва Бизнес-фонд билан биргаликда инвестиция лойиҳаларини яратамиз. Йил бўйи кичик ва қўшма, шахсий корхоналарни ташкил этишда жонбозлик кўрсатамиз. Чунки қандай бўлмасин янги корхона ташкил этилиши қўшимча ишчи ўрни яратилди, деган сўз.

«1997 йилнинг яна бир муҳим вазифаси кичик ва хусусий тадбиркорликни сифати жиҳатидан янги поғонага кўтаришдан иборатдир». Президентимизнинг шу сўзларига амал қилиб, тадбиркорлар ва товар ишлаб чиқарувчилар Палатаси қошида «Келажак маслаҳатчиси» юридик, «Имкон ТП» аудиторлик ва «Меъмор» таъминот шохобчалари иш бошлади.

— Кўп гапириб юбордим-а, — қулди Насрулло Абдувалиев. — Қилаётган ишлардан огоҳ этай дедим-да.

Қилинаётган ишлар чиндан ҳам кўп. Аммо бир лаҳзагина дийдорлашувда барчасини батафсил ҳикоя қилишнинг иложи бўлармиди?

Ҳар бир даврнинг ўз ҳимматли даргалари бўлади.

Ўзбекистон Мустақиллигининг 6 йиллиги олдидан



1997 йилни Инсон манфаатлари йили деганимизда биз, аввало, мустақиллик шароитида кечган беш ярим йиллик мураккаб ҳаётимизга яна бир бор кўз ташлаб, сиёсий, иқтисодий, гуманитар соҳалардаги ислохотларимизнинг илк натижаларини инсон манфаатлари нуқтаи назаридан баҳолаш зарурлигини назарда тутамиз.

Ислом КАРИМОВ.

1997 — Инсон манфаатлари йили

МИНГ

Туманлар йўқламаси: Мирзо УЛУГБЕК

ИМКОНИЯТНИНГ БАРИ



• Ижарадаги «Ранги-Лок» фирмасининг маҳсулотларига талаб катта.

дерсиз, бу шундоқ улуг депараки, бир пиёла чойини инсангиз, доимо қўмсайверасиз. Обянгиз шу ёққа тортаверадил. Мирзо Улугбек номи билан аталади-я бу депара. Ўзи келмаган бўлса ҳам нафаси келиб туради у зотинг.

Отаҳон ортимдан гапирганча қолди. «Рост, — деб ўйладим, — баҳонада бир-икки жойларни кўриб чиқсам бўлмайdimи?»

Гоҳда ўйлаб қоламан: инсон манфаатлари нима ўзи? Таъбир жоиз бўлса илк манфаат — чин қорақдан берилган салом деб ҳисоблайман. Чунки сизнинг қалбингиздаги савмиёт, беғуборлик, яхши ният «ассалому алайкум» деганингизда бошқа одамнинг дилига илқилик бахш этади.

Нега оила бошлиғи — ота уйим-жойим деб тиришадил? Чунки у оила аъзоларининг — ўзи бош бўлган митига ватанинг манфаатлари учун курашадил. Ёки маҳалла оқсоқолига нима зарур? Ахир у ўзи учун қуйиб-пишмайдил-ку? У ўз маҳалласидаги юзлаб инсонлар учун талашиб-тортишадил. Демак, у ўз манфаатини ўйлаётгани йўқ.

Инсон манфаатлари сўзининг моҳияти жуда теран, қамрови жуда кенг. Чунки инсон фақат нону сув билан яшайди, яшай олмайди. Унга Аллоҳ берган барча неъмат суюкли, ардоқли! Унга ҳаммаси керак. Мен инсон манфаатлари деганда шундай идрок қиламан. Шу нарсаларнинг ҳаммасини Республика Вазирлар Маҳкамасининг инсон манфаатларини таъминлаш борасида 1997 йилда амалга оширилмаган чора-тадбирлар дастурида кўрдим. Худди шундай дастур Мирзо Улугбек туманида ҳам борки, унда инсон манфаатларининг барча қирралари ўз аксини топади.

Туман ҳақида кўп гапириб мумкин. Лекин бугун ўрганиб қолган одатимизча рақамларга мурожаат қилишдан воз кечсак-да, қилинган, қилинаётган ишлар ҳақида сўзласак ўринли бўлади. Зеро, минг бор эшитгандан бир бор кўрган афзал дейишадил.

Одатда инсон учун энг зарури бошлана — ўзининг каттаими, кичикми уйи саналади. Бу ҳеч кимга сир эмас. Уйнинг бор бўлса жонинг тинч. Ахир бепойё Ватанимизнинг оstonаси ўз уйинг ҳисобланади. Шу сабабдан ҳам

— Битади, — деди у ишонч билан. — Ахир қанча оилалар кўрибди бу уйларни. Қолаверса, пулини нақд тўлаб қўйганлар ҳам талайгина. Жуда бошқача уй бўлар. Мустаҳкам, кенг, шинам. Қириб кўра қолинг. Қўраганга пул олмаймиз.

Беш, олти, ҳатто тўққиз қаватли уйлар ҳам ҳавас қилса арзигулик эди. Туман белгиланган дастурда фақатгина Содиқов эмас, Поленов, Ярослав (номлари бугун-эрта ўзгартирилса керак) кўчаларида жами 14512 квадрат метр уй-жой кўриб фойдаланишга топширилиши керак. Бу юзлаб ҳамшаҳарларимиз уй-жойли бўлади деган сўз. Ёнг қувонарлиси аввалгига ўхшаб йиллаб навбатда туриш йўқ. Истаса, уй-жой ҳақини аввалдан тўлаш мумкин.

Ушбу йиллик дастурдаги амалга оширилмаган ишларнинг 70—80 фоизи қўрилишга келиб боғланиши табиий. Акушерлик ва гинекология институтининг поликлиникаси ҳам, 20-поликлиника ҳам ишга туширилди, беморлар дарадига малҳам қўётган «Мустақиллик» маҳалласидаги шифо шохобчаси ҳам, қайтадан тикланаётган 15-шаҳар касалхонаси, 49-мактабнинг янги биноси, ҳатто таъмирланаётган ўнлаб мактаблар, болалар боғчалари, маданият муассасалари, «Нур», «Абайхон», «Уйғониш», «Феруза», «Навбахор», «Туркистон» маҳаллаларининг гузарлари, тўйхоналари, супермаркетлар, ماشий хизмат кўрсатиш корхоналари ўз-ўзидан битиб қолмайдил. Уларни қўли гул қурувчилар, пардозловчилар бунёд этишадил. Демак қўрилиш ҳақида гапирсак, қанча кўп бўлса шунча кам. Ҳали болаларнинг шодон қўлгуллари янграётган гўзал масканларни, санъат гўшаларини кўриб кўзимиз ҳам, дилимиз ҳам яйрайди.

Бугун тадбиркорларга кенг имкониятлар яратилди. Ҳатто уларнинг номлари юртимизда ҳам машҳур бўлиб борапти. Издошлар қўлаймоқда. Айниқса, тадбиркорларга Президентнинг «Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони кенг уфқларни очди.

— Шу ҳақидаги долзарб мавзуларда семинарлар ташкил этдик, — деб ҳикоя қилади туман тадбиркорлар ва товар ишлаб чиқарувчилар Палатасининг раиси Насрулло Абдувалиев. — Ҳозир тўрт мингдан ошди турли хил тадбиркорлик тизимлари рўйхатдан ўтган. Уларга ёрдам сифатида халқро экспертларни ташкил этиш бўйича учрашув бўлди. Шаҳар тадбиркорлар ва товар ишлаб чиқарувчилар Палатасига инвестиция лойиҳасига «Хан-техпром», «Протон», «Спектр», «Фурсат маскани», «Фар Био Гал», «Оптоэлектроника» ва бошқа фирмалар тақдим этилди.

«Лифттехносервис», «Келар» фирмаларига ҳуқуқий маслаҳатлар бердик. Ҳозир тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш мақсадида уларнинг рўйхатини тузгилмиз. Умуман тадбиркорликни ривожлантиришга 21 миллион сўм ажратдик.

дейилгувчи эди. Ҳозирги бозор муносабатларига ўтишдек мураккаб жараён кечаётган кунларда фирмалар, хусусий, қўшма, кичик корхоналар бу вазифани ўз зиммаларига олишган. Ҳомийлик, бегараз, беминнат ёрдам ҳар соҳада ўз аксини топомоқда. Бу йилги Наврўз байрамида катта хайрия тадбирлари ўтказилди. Ёшу қари баробар хурсанд, ҳимматдан баҳраманд бўлишди, десам барча галчи айтган бўламан деб ўйлайман. «Маҳалла», «Нуроний», «Наврўз», «Соглом авлод учун», «Экосан» хай-



• «Утибиётускуна» илмий-техника марказида янги тиббий қўрилмалар намойиши.

рия жамғармалари туман бўлимлари ҳар маҳал савоб ишларнинг бошида туриб қеляптилар. Бу гал ҳам шундай бўлди.

Туман дастурига кўз югуртираман, биринчи синф ўқувчиларини ўқув қуроллари билан бепул таъминлаш, кам таъминланган оилалардаги бошланғич синф ўқувчиларини қийим-кечаклар билан таъмин этиш, уларнинг соғломлаштириш лагерларида бепул дам олишини ташкил этиш... Рўйхатни давом эттириш мумкин. Бу Президентимизнинг, ҳукуматимизнинг келгуси авлодимиз баркамол, қомил инсонлар бўлиб етилиши учун ҳар лаҳза жонбозлик қилаётгани ифодаси. Озод юртимизда ҳеч

лар ташкил этилди. «Олтин мерос» халқаро жамғармаси билан ҳамкорликда 241, 148-мактабларда «Маҳалла, оила, мактаб» мавзусида катта анжуманлар ўтказилди. Айниқса, «Ўзбекистон — Ватаним маним» қўшиқлар кўрик-танлови чинакам санъат байрамига айланди.

«Хамшира—97» кўрик-танлови, «Тракторсозлар» маданият уйида кам таъминланган, кўп болали оилаларга Ўзбекистон санъати юлдузлари иштирокида хайрия концертига тайёргарлик қўйилди. «Феруза» маданият уйида «Феникс» ёшлар клуби, ракс ва ашула ансамбли ташкил қилинади. Маданият институти қошида туман бадиий жамоаларининг ижодий семинарини ўтказиш, маҳаллалар ҳудудда жойлашган мактаблардаги «Қизлар клуби» ишларини ривожлантириш, ҳар бир поликлиникада мактаб ёшлари қизларга тиббий варақалар очил, туман, маҳалла хотин-қизлар кенгашлири томонидан, маҳалла аёлларига, ёш қизларга «Аёл ва қонун», «Она ва қиз боланинг соғлигини сақлаш» каби мавзуларда давра суҳбатлари ўтказиш дастурда белгиланган.

Маданият уйида, клубларда ижодий жамоалар, ёзувчилар ва бошқалар иштирокида байрам кечалари, учрашувлар, суҳбатлар, бахс-мунозаралар уюштириш, кам таъминланган оилаларнинг никоҳ ва юбилейларида маданий хизмат кўрсатиш, «Она тилим — жону дилим», «Тил — дил қалити» мавзуларида давлат тилини тарғиб этиш ва хорижий тилларни ўрганишни рағбатлантиришга доир тадбирлар ўтказиш ҳам режада бор.

Соглом авлодни қамол топтириш ниятда муҳимдир. Зеро, қўзланган иқтисодий, ижтимоий тадбирларнинг барчаси келгуси авлоднинг соғлиғи учун десак янглишмаймиз. Бу йўлда спортнинг аҳамияти ниятда катталигини таъкидлашнинг ҳолати бормикин!

Ҳукуматимиз томонидан жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш ва оммавийлаштиришга катта эътибор берилди. Туман жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси мактабларда, институтларда, маҳаллаларда спортнинг барча турлари бўйича мусобақалар, спартакиадалар ўтказишга бош-қош бўляпти. «Трактор» футбол командаси олий лигада тўп сурапти. 3 та команда — Ички ишлар вазирлигининг «ИИБ Академияси», «Ўзқабель» ҳиссдорлик жамиятининг «Кабелчи» ҳамда трамвай, троллейбус депосининг «Трамвайчи» командалари Республика биринчилигининг 2-лигасида қатнашапти. Фанлар академиясига қарашли «Ўмид» спорт мажмуасида ҳам жонланиш сезилди. Ҳозирги кунда туман жисмоний тарбия ва спорт қўмитасининг асосий вазифаси маҳаллаларда ёшлар ўртасида спортни оммавийлаштиришдан иборат.

Энг янги далил: Ғалаба кўнига бағишлаб ўтказилган юғуревичлар мусобақаси чинакам оммавий байрам тусини олди. Амир Тмур хиббонидан берилган старт Чирчиқ шаҳридаги Ғалаба майдонида якунланди. Тўрт минг кишидан зиёд ҳаваскор юғуревичлар ўзларини синаб кўр-

дилар. Ёнг муҳими, бу тадбирда мактаб ўқувчиларидан тортиб, профессионал спортчиларгача қатнашдилар...

...Шу кун туман ҳудудини айлиниб юриб аjoyиб ўзгаришларнинг гувоҳи бўлдик. Ҳали «Тошкент трактор заводи» давлат ҳиссдорлик жамиятида «Кейс корпорейшн» компанияси билан ҳамкорликда «Кейс» тракторлари ишлаб чиқарилаётганини, «Безак» корхонасидаги ишчиларнинг қўли-қўлига тегмай буюртма бажараётганини, «Ўз-тиббейтускуна» илмий-ишлаб чиқариш биғлашмасида инсон саломатлигини тиклаш учун 30 га яқин асбоб, тиббий қўрилмалар яратилганини батафсил айтмадик. Бу йил 3,5 километр сув қувур, 4,5 километр канализация тармоқлари ишга туширилишини, таъмир асосида 10 минг телефон номерига қўшимча қувватлар ташкил қилинишини тилга олганимиз йўқ.

— Дастуримиз ниятда кенг қўламли, — деди биз билан суҳбатда туман ҳокими Абдуғаним Мажи́дов. — Лекин имкониятларимиз ҳам шунга яраша. Халқимизда «Минг имкониятнинг бирини ишга солиш» деган гап бор. Биз



• «Кейс» тракторлари шундай кўркам қўрилишга эга.

эса минг имкониятнинг барини ишга соламиз. Инсон манфаатлари шунга тақозо қилапти. Шунини талаб қилапти. Инсон манфаатлари ҳар томонлама муҳайё, устивор бўлса, ҳар бир киши юртимиз раванқи учун шунчалар баракали меҳнат қилади.

Инсон манфаатлари деган сўз жуда кўп қирраларни қамраб олади. Ҳар бир қирранинг ўзига хос томонлари бор. Яна ҳар бир қирра бир-бири билан узвий боғлиқдир. Демак, дастурдаги ҳар бир қиррани амалга ошириш — бу 1997 йилда кўзда тутилган мақсадларга эришиш демакдир.

Тақдир азалда шундай айтилган:
Игнадан тоғгача керак одамга,
Юраклар тугиба бир сўз битилган.
Инсон инсон учун ашар оламда.
Ҳаётнинг сарвари эурсан инсон,
Бахтли-тахтли яшаш ўз қўлингдодир.
Қур, ярат, яша — берилди имкон,
Минг битта хислатлар боқ йўлингдодир.
Инсон Манфаатлари йили.

Ушбу йилнинг ўзига хос тамойили — бу юксак кўтаринкилик, меҳнатга илмий-ижодий ёндашишдир. Бунга биз тумандаги корхоналар, фирмалар, илмий-ишлаб чиқариш биғлашмаларида, маҳаллалар аҳли билан учрашганимизда амин бўлдик. Ҳар бир киши мушаккиллик берган неъмат қанчалар буюклигига дил-дилдан ишонганига, ўз юрти учун, демак ўзи учун ишлаш учун белги қайрат камарини маҳкам боғлаганига гувоҳ бўлдик. Демак Мустақиллигимизнинг олти йиллиги ҳам аввалгилари каби она-Ватанимиз тарихига зарҳал харфлар билан белгилангани аниқ.

Отаҳон тўғри айтган эканлар. Исми жисмига гоят нонанд бўлган ушбу табаррук музофотда Мирзо Улугбек руҳи кезиб юрибди. Буюк Ватандошимиз барчани бунёдкорликка даъват этаётган бўлса ажаб эмас.

Отаҳон яна бир гап айтганди: бу ернинг бир пиёла чойини инган киши уни доим қўмсайди. Насиб этса тумандаги аjoyиб янгиликлар ҳақида ҳали кўп марта ҳикоя қиламиз.

Темур УБАЙДУЛЛО,
Рустам Шарипов олган суратлар.



• 5-Олтинтепа маҳалласи гузари.



• Янги қурилиш мажараси супермаркети ишга тушириш атрафасида.



• «Нурон» компанияси туман учун зарур компьютерлар билан таъминлади.

— **Актёрлик касбини танлашингизга нима сабаб бўлган?**

— Аслида касб ҳам инсонга Аллоҳ томонидан ато этилган ризқ-насибага ўхшайди. Мен балки актриса бўлмаслигим ҳам мумкин эди. Лекин интилиш, қизиқиш ҳам ана шу касб — дардга мубтало қилиб қўярган кишини. Болалигимдан санъатга қизиқардим. Уйдагиларга актёр бўлман, десам ҳайрон бўлишарди. Чунки оиламизда санъатга бўлган қизиқиш жуда кучли бўлган бўлсада, бирорта ҳам санъаткор чиқмаган эди.

Ҳеч кимга билдирмай ҳужжатларимни Тошкент театр ва рассомлик санъати институтининг драма ва кино актёрлиги факультетига топширдим. Омадим бор экан, мени қабул қилишди. Ўша пайтдаги қувончмимни кўрсангиз. Бу хабарни эшитиб, ҳеч ким, ҳатто ота-онам ҳам ишонмадилар. Шунда кўзларимдаги қувонч ёшларини қўриб отам: «Майли қизим, шу касб сенга ёқибдими, кўнглингда армон бўлмасин», — дея фотиҳа берган эдилар.

— **Дилбар опа, мана салкам 30 йилдан буён театр сахнасида ижод қилиб келаясиз. Шу йиллар давомида бир қатор образлар яратдингиз...**

— Ҳа, 1970 йилдан буён Ҳамза номи театрда хизмат қилиб келмокданман. Шу даргоҳда ўтган йиллар мени шогирдликдан тортиб элга таниқли актёр даражасига кўтарди. Устозлар ўғити, билим ва тажрибаси мени сахнада рангбаранг роллар яратишга илҳомлантирди, куч-ирода берди. Бир қатор спектаклларда роллар ўйнадим. «Йимон»да Озода, «Қароқчилар»да Роллер, «Ой тутилган кун»да Зубаржат, «Уйланиш»да Фекла Ивановна, «Ганг даресининг қизи»да Умеш, «Олтин девор»да Дилором, «Келинлар кўзғолони»да Нигора, «Уфқ»да Рисолат, «Чимдидик»да Момо ва бошқа турли образларни яратдим.

— **Кинорежиссёрларимиз сиздаги ҳар томонлама истеъдодни пайқаб, кинога ҳам тақлиф этганларидан хурсандимиз? Кинода ўйнашни озу қилардингиз?**

— Айтиб қўяй, кинога, унинг сеҳрли оламига кириб келганимга унча кўп бўлгани йўқ. Бу соҳа менга ўз сирини очмаган тилсимот, унинг инжиқ талабларини кўтаришининг ўзи бўлмайди. Бир пайтнинг ўзидики кинода хизматда бўлган — ҳам театрда, ҳам кинода ўйнаётган актёрларни қўриб ҳавас билан: «Қани энди бирорта фильмда кичкинагина бир роль ўйнасам», — деб озу қилардим.

1984 йилда режиссёр Мелис Афзалов суратга олаётган «Келинлар кўзғолони» фильмига қақаришди. Ўзимга ишониб-ишонмай бордим. Биринчи синалов муваффақиятли ўтди. Кейин кинопробага тақлиф этишди. Ўзингизда бўлса, театрда Сотти роллини Ўзбекистон халқ артисти Тўти Юсупова ижро этган эдилар. Кинода шу ролни менга топширишганда бир томондан қувонсам, иккинчи томондан чўчидим. Чунки сценарий умуман бошқа эди. Шунда Мелис Афзалов: «Сен шу ролни ўйнасан»,

— дедилар. Шу тариқа суратга олишлар бошланди. Юрсам ҳам, турсам ҳам шу роль ҳақида ўйлардим. Ниҳоят, фильм суратга олинди, халқимиз уни яхши қутиб олди. Вақти-вақти билан ўзимга «Сотти

айтганлар. Ижодимиз маҳсули ёмон бўлмади шекилли, фильмининг иккинчи қисми «Ака Шариф Тошкентда» ҳам суратга олинди. Сўнгги йилларда яратган ролларимга келсак булар: «Ўғри ҳам одам», «Шундай одамлар борки», «Қалдирғоч», «Олтин девор», «Камбағал одамлар», «Катта жанжал» ва бир қатор фильмлардаги роллар.

— **Хозирги кунда қандай янги роллар устидики ишлаясиз?**

— Яқинда режиссёр Даврон Абдуллаев суратга олаётган «Чапани Раж» фильмида суратга тушдим. Съёмкалар Шаҳрисабз шаҳрида олинди. Бу фильмдаги асосий ролларни таниқли киноактёрлардан Мурод Ражабов, Ҳусан Шарипов, Ойбарчин Бакирова, Обид Асомов, Ботир Мухаммадхўжаев, Саида Рамотова, Отабек Мадраҳимов ва бошқалар ижро этишмоқда. Фильмининг баъзи кўринишлари Ҳиндистонда суратга олинди. Театрга келсак, Ёдгор Саъдиев саҳналаштираётган «Эшик ортидаги ҳаёт» спектаклида уй бекаси, Дилбар исми аёл роли устидики ишлаяпман.

— **Бир пайтнинг ўзидики ҳам кинода, ҳам театрда ижод қилиш мушкул эмасми?**

— Озгина қийин. Актёр аввал бир ролни ўйнаб бўлиб, кейин иккинчи бир ролга қўл уриши керак. Кўпинча таниш-билишлар: «Нима учун доим кичкина роллар ижро этасиз, катта роль ўйнамайсиз», — деб сўрашади. Авваламбор, ролнинг катта-кичиги бўлмайди. Кичкина ролни ҳам маромига етказиб, томошабин ёдига қоладиган қилиб ўйнаш керак, деб ўйлайман.

— **Ўзбек киносининг келажagini қандай тасаввур қиласиз?**

— Киномизнинг келажаги ёрқин бўлишига аминман. Хозирги кунда бир қатор студиялар самарали ижод қилмоқда. Режиссёрларимиз ҳам янги-янги истеъдодларни излаб топиб, ўзларининг фильмларига тақлиф этмоқдалар. Санъатнинг мақсади одамлар кўнглини кўтариш экан, у ҳозир аини зарур ва мумкин.

— **Ўзингиз билан бир сафда ижод қилаётган актёрлардан қилларнинг истеъдодига тан берасиз?**

— Театрда тенгдош, сафдошларим кўпчиликини ташкил этади. Булар Дилором Каримова, Гулчехра Жамилова, Гулчехра Иброҳимбекова, Шукружон Сафарова, Теша Мўминов, Эркин Қомиллов, Ҳожақаб Нурматов, Ёдгор Саъдиев, ёшлардан Тоҳир Саидовни жуда қадрлайман. Мен улар билан доимо ҳаммаслақ бўлишга ҳаракат қиламан.

— **Яқин кунларда Тошкентда халқаро кинофестиваль ўтказилади. Унинг айнан Тошкентимизда ўтказилишига қандай қарайсиз?**

— Халқаро кинофестивалининг айнан Тошкентда ўтказилишининг ўзи бир бахт. Жаҳоннинг кўпгина мамлакатларидан азиз меҳмонлар таширф буюрадилар. Қисқа вақт бўлсада Ўзбекистонимиз билан унинг маданияти ва тарихий обидалари билан яқиндан танишадилар. Бундай юқори даражадаги анжуманлар халқлар ўртасидаги дўстлиқни мустаҳкамлайди.

Мамура РЎЗИЕВА сўхбатлашди.

УНУТИПМАС ПАҲЗАПАР

Одатда бўлиб ўтган воқеанинг қадри анча вақтлар ўтгандан кейингина билинади дейишади. Ўшанда анжуманининг ёки давранинг ширин лаҳзалари яна юракка чўғ солади, хотираларда

жонлана бошлади. Ўртимизда ўтказилган халқаро кинофестиваллар ҳақида ҳозир ҳам унинг қатнашчилари шуққ билан эслашади. Эсламай бўларми ахир! Ўшанда Раж Капурнинг сурати бўлса ажаб

пур тирик эди. Туркун Шо-



Суратларда: 1. Риши Капурнинг сурати бўлса ажаб эмас. 2. Машҳур артист Михаил Глузский фестивал қатнашчилари билан сўхбатлашяпти. 3. Ўшбу сурат Раж Капурнинг охириги сурати бўлса ажаб эмас. 4. Фестивалнинг энг ҳаяжонли нукталаридан бири.

Ўзбекистон халқ рассоми, уруш йилларида мислсиз қаҳрамонликлари кўрсатиб, халққа, Ватанга меҳр-муҳаббатини жасоратда ифода этган Самғи Абдуллаев ижодхоналарига тақлиф этганларида «Ёшлари бир жойга бориб қолган бўлса, эндиликда ҳам олаётган бўлсалар керак, ўша олдинги ишларини томоша қилганимиз шекилли» деган ҳаёлга бордик. Биз ўйлаганчалик эмас экан.

Устахонада биз мутлақо кўрмаган портрет, манзара, натюрморт, чизгилар кўзга яққол ташланиб турарди. Олдинроқ ўйларига кўнглироқ қилганимизда: «Дадамлар ҳар кун соат 9 дан кечгача ижодхоналарида бўладилар» деб қизлари тўғри айтибди. «Ҳа, уйда нима ҳам қилдим, ижодхонада ўтирсам зерикмайман, ором оламан, айрим асарларимни қайта қўриб чиқиб, камчиликларини сезсам, тузатаман, бирор янги асар яратгим келса яратаверман» дедилар Самғи ақининг ўзи ҳам.

Янги асарлар рангтавсир, қаламтавсирларда яратган «Уруш ва меҳнат фаврийлари» туркумининг давоми экан. Сахсонга тў-

лаётган бўлсаларда ўндан ошиқ тавсирлар ишлабдилар.

— Булар бир пайтлари иш қилиб кетганиданим, ёрмидан кўтарилаётганлари, мана мўйқалам ва бошқа қаламларда жонланди, —

тавсирлабдилар.

— Мақсадим, урушдан соғом қайтсам, тирик қолган одамларни, қуролдош дўстларимнинг расмини чизаверман деб, аҳд қилгандим. Элли йилдан зиёд ва-

Санъат

МЎЙҚАПАМИ ТИНМАЙДИ АСПО

дедилар Самғи ака ҳикоя қилар эканлар.

— Буниси ҳаммамизга таниш 104 марта қурувчи самолёти билан фашист газдаларига қирон келтирган қаҳрамонимиз «Учучи Абдусатор Эшонқулов» портрети. Юмшоқ, рангли қалам сангинада яратдим.

Қаҳрамонлардан яна «Учқун Содикрахмонов», «Ўринбой Абдуллаев», «Полковник Холиқхўжа Усмонхўжаев», «Р. Аҳмедов», «Абдулла Қурбон», «Сапёр, капитан Ўйлош Тошўлатов» ва бошқа қалам тавсирларда Самғи ақининг расм чизишдаги маҳоратларига яна бир қарра гувоҳ бўлдим. Гапларидан шу нарса маълум бўлдики, Самғи ака қуролдошлари тирклигидаёқ улар билан бир пиёла чой устидики уруш хотираларидан сўхбатлашиб, ўзларига қараб

қтдан буён ҳамон расмларини чизиб келаган. Эндиликда бу азиз инсонлар ниятда кам қолишган, борларини излаб, топаётган. Мана шулардан бири номини ёдидан чиқарибман, қариллик курсин, генерал Собир Раҳимов дивизиясида шифокорлик қилган «Соатов портрети».

Томоша қилаёпмиз. Сочлари оппоқ, юзларида ақин чизиклар ва лекин боқилари жиддий, ҳаётга, халққа меҳр, ишонч билан бизга термулиб турибди. Олдин кийинган, олган айрим орден-медал ва бошқа нишонлари кўсини безабди.

Қаламтавсирларда урушда иштирок этган ўзбек аёлларидан шифокор, тиббиёт фанлари доктори «Муқаддам Ашрапова» портрети ҳам чизилган. Тўғри, шифокор аёл

матри тўппа-тўғри Маккаи Музазамада рўй беради. Шайх Лўқмон Парранда Маккада Ҳаф фаризасини адо этиб юриб, ўзининг юрти Туркистондаги латиф тасмаларни кўнгли тусаб қолади. Бу ҳолат илоҳий қудрат ила Ҳожи Бектошга маълум бўлади. Бектош қаромат кўрсатиб, узок мулкда бўлишига қарамадан пиримуршиди учун кўнгли тусан латиф хўраклари мўҳайб этган экан.

Шайх Лўқмон Парранда Ҳаждан қайтаётган йўлда Нишопурга тушиб, у ердаги халойиққа ёш Бектош қароматларини ҳўқоқ қилиб беради. Шайх Лўқмон Парранда шундан кейин унга «Ҳожи» лақабини беради. Сўнгра Хўросон эронлари Туркистонга келиб, Ҳожи Бектошнинг қўрадилар ва унинг қароматларидан оғох бўладилар.

Ҳожи Бектош Валий қаламига мансуб «Валоятнома»дан яна Бектош ўзига аталган омонатларни (тож, хирқа, суфра, сажода ҳамда ёгон қилич) бевосита Ҳожа Аҳмад Яссавий қўларидан олганлиги ҳўқоқ қилинади.

Яссавия тариқати тарихидан бизга яхши маълумки, янги ҳўжрий (XV-миллодий) асрга келиб (ундан олдинроқ ҳам) жуда кўп асавий машойихлар Кичик Осиё ва Рум минтақаларига шиддат билан сиқилганлар. Ўшлардан бири Шайх Лўқмон Парранданнинг шогирди Ҳожи Бектош Валий Хўросонийдир.

Яссавия ва Ҳожагон (Нақшбандия) тариқатларига сид қўнма асарларда берилган айрим маълумотларга қараганда, Ҳазрати Яссавий ўзининг 99 машҳур машойихларидан бири, Ҳоразмдан чиққан Имом Марғузийнинг обдан пухта тарбиялаб ўша давранинг етук пирини сифатида ўзининг атоқли тўрт шогирдига бош қилиб, Хўросон халқларини тасаввуфий таълимотларга даъват қилиш учун Хўросон ва Кичик Осиё юртиларига юборади. Улар ичида Шайх Мўхаммад Бағдодий, Сайфуддин ал-Бохарий, Шайх Камол Шайбоний, Шайх Саъдудин, Шайх Баҳовуддин каби йирик яссавий машойихлар бор эдилар.

Маълумки, XIII-XIV асрларда Анадўлу (Туркия), Озарбайжон, Қарфоз ва бошқа юртилардаги туркийзабон халқлар орасида Бектошия наҳзати хуруфийлик билан қўшилиб кетади. Турк олими Ҳасан Басрий Эркин «Тарих буйица Алевийлик» асарида берилган маълумотларга қараганда, XIII асрдан бошлаб Анатолия (Туркияда йирик пантеист мутасаввуф олимлар вуқудга келади. Айни ўша даврда Ҳожи Бектош Валий Хўросоний тарихий майдонга отилиб чиқади ҳамда ўзининг Бектошийлик таълимотини кенг халқ орасида жиддий суратда тарбия ва ташвиқ эта бошлади.

Бектошия тариқатининг XIII асрдаги энг йирик гоъвий раҳбар (идеолог)ларидан бири машҳур инсонпарвар мутасаввуф шоир Юнус Эмродур.

Машҳур Бектоший мутасаввуф шоир Юнус Эмронинг гоъвий қарашлари тасаввуфий пантеизм (вуқудийлик), хуруфизм асосидаги тасаввуфий илоҳий Ишқ ётади. Тасаввуфий пантеизм, билиш ва ўз-ўзини танишининг тасаввуфий назарияси, илгор таасаввуфий-инсоний ахлоқ, Тангрига етишиш учун ўз-ўзини тақомиллаштирган, дили пок, тили пок, юксак ахлоқли, ориф ва ошқ Инсонни улуғлаш ва ёзозлаш каби масалалар Юнус Эмро дунёқараш асосларини ташкил этади.

XVI аср бошларида яшаган Саид Эмро, ўша асрининг иккинчи ярмида яшаган Қайғи-Сид Абдол каби шоирлар Бектошия таълимоти асосида ижод этганлар.

Демак, Бектошия таълимотида, муқамал инсонда ҳақ сифатлари мажвуд экан маъкур таълимотта мўътадил бўлган йирик инсонпарвар шоирлар эътиқодни юксак ёзозлаганлар, қадрлаганлар.

Малик МУРОДОВ,
филология фанлари доктори,
профессор,
Ориф УСМОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
Абу Райҳон Беруний номидаги
Шарҳунослик
институтининг етакчи илмий ходими,
филология
фанлари доктори.

Ҳозирги кунда шахримиз кўчаларида ҳавода ипаксимон оқ нарсалар учиб юрганини кўриш мумкин. Айримлар уни инсон саломатлиги учун зарар билиб, хусусан аллергияни пайдо қилади, дея хавотирда. Бу фикрлар қай даражада асосли эканини изоҳлаш учун Тошкент давлат университетининг биология-тупроқшунослик факультети профессори Ҳошимжон Охуновга мурожаат қилдик.

— Кўча-кўчаларда учиб юрган чанглар (шартли равишда шундай атайлик) тераклардан ажралади. Тераклар ҳам эркак ҳамда ургочи на-

Шарҳ

ҲАВОДА НИМА УЧЯПТИ?

ларга бўлинади. Ургочи тераклар насл қолдириш учун ҳар йили баҳор фаслида гуллайтиди ва орадан маълум муддат ўтган гуллари қуриб, пўст ташлайди. Шундан ҳавога чанглар тарқала бошлайди. Бу чанглар инсон саломатлиги учун зарарли бўлган ён атрофдаги турли хилдаги захарли газлар ҳамда вирусларни ўзига тортиб олиб ҳавони тозалайди.

Ҳар бир нарсанинг фойдали ва зарарли хусусияти бўлиши табиий ҳолдир. Чанглар табиатдаги турли хил вирусларни ўзига синдириб олгандан сўнг агар у одамнинг бурнига кирса ёки ишқаланиб ўтса аллергияни келтириб чиқариши мумкин. Аммо бу ҳол ҳаммада ҳам юз беравермайди. У одам танасининг хасталикларга қай даражада чидамлилигига боғлиқ. Менимча, ҳеч ким бурнига чанг киргунча қараб турмаса керак. Шунинг учун ҳам шахарларимиз бундан хавотирланмасалар ҳам бўлади.

Наргиза ПИРНАЗАРОВА
ёзиб олди.

Кимки ўзи танлаган касбни ардоқласа, ўша ҳунар уни элга танитади, оиласини боқди. Фанер ва ёғочдан турли безаклар ясаб сотаётган Олимжон кўли гул болалардан, унинг дадаси ҳам ажойиб ҳунар эгаси экан. Мақтабда яхши ўқиб, араб тилини

Акс савдо

ТОПАРМОН ДЕБ СУЮНМАНГ

«Бизнес»чи
болалар»
мақоласини ўқиб

ўрганиш, яна безаклар ясаб сотиш 7-синф ўқувчисига осон эмас.

Аммо тез келган пул тез сарф бўлади. Қўлига мўмай пул тушганимиз, у бола энди на ўқина, на ишга, на бирор хунарга меҳр қўяди. Тўғри, савдогарчилик қадимий касб. Лекин одатда бу ишни болалар эмас, фақат катталар қилишган. Болага аввало ҳунар ўргатишган. Чунки савдо ҳар доим ҳам катта пул келтиривермайдди. Ҳунар эса инсон ҳеч қачон йўқотмайдиган бойлик. Шунинг учун ҳам болаларимиз мўмай пул топиб келаётганидан севина-вермаслигимиз керак.

Абдулла ТОЛИПОВ.

Ҳоранқ

ЕТТИ ИҚЛИМ ЖОНИВОРЛАРИ

Кунлар исиб, атроф яшил тусга кирди. Бундай пайтларда кўпчилик дам олиш кунларини боғларда, соясалқин жойларда фарзандлари, яқинлари билан ўтказишга ҳаёс. Ҳамшаҳарларимиз ва меҳмонларнинг ҳордиқ чиқаришлари учун масканларда қандай тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда? Тошкент ҳайвонот боғи директорининг ўринбосари Раҳматилла Шерматов билан суҳбатимиз шу маскандаги ўзгаришлар ҳусусида бўлди.

— Бугунги кунда бу ерда ҳайвонларнинг қанча тури сақланмоқда?

— Ҳозирги кунда бизда 95 турга яқин ҳайвон ва паррандалар мавжуд. Тахминан икки-уч ойдан кейин ҳайвонот боғи учун ажратилган янги жойга кўчиб ўтамиз. Сўнгра янги ҳайвонлар сотиб олиб келтириш ниятимиз бор. Хусусан янгилари 500-550 турда ҳайвон ва паррандаларни ташкил этиши керак. Умумий ҳисобда янги жойда икки ярим мингта ҳайвонот бўлади.

— Илгарилар бу ерда фил, оқ айиқлар бўларди. Уларни келтириш режаси борми?

— 1985 йилдан то шу кунгача боғимизга ҳали бирорта янги ҳайвон келтирилмаган. Режамиз бўйича фил, бегемот, шохбурч, маймунлардан шимпанзе, гамагрил кабиларни олиб келмоқчимиз. Ҳозирда хориз ва ҳамдўстлик давлатларидаги ҳайвонот боғлари раҳбариятлари билан музокаралар олиб бораёмиз. Яқин кунларда боғимиз янги ҳайвонлар ҳисобига тўлиши керак.

— Янги ҳайвонот боғининг майдони қанча бўлади? Қўрилиши ҳозиргисидан фаркланадими?

— Янги ҳайвонот боғининг ҳудуди 22,8 гектар майдонни ташкил қилади. Тахминан 40 фоизи жониворларни жойлаштиришга мўлжалланган. Қолган 40 фоизда боғ бўнёд этилиб, қўқаламзорлаштирилади. 10 фоизда болалар учун аттракционлар ташкил қилинмоқчимиз. Ҳайвонот боғига кириверилган субтропик ўсимликларнинг павильони, яъни тропикарий бўлади. Бу ерда маймунлар учун табиий шароит яратилган, шунингдек 400 турга яқин ўсимлик мавжуд бўлади. Бундан ташқари экзотарий ҳам ташкил қилинмоқда. Унда Голландия, Германия ҳайвонот боғларидагидек ҳажми икки ярим тонналик аквариумда балиқларнинг қарийб барча турлари боқилади. Ҳозирда эса эски ҳайвонот боғининг барча павильонлари ишлаб турибди. Ҳамшаҳарларимиз буш вақтларини бу ерда ўтказишларига барча имкониятлар бор.

Султонмурод УМАРОВ
суҳбатлашди.

...Қотиллик тўғрисидаги хабар бутун Акмал Икромов туманига тарқалди. «Тошкент Халқа йўли бўйида жойлашган қишлоқ хўжалик лицейи қоровулнинг ўлдириб кетиш» деган овозлар ундан-бундан қўйилган тафсилотлар билан қўйилиб, аҳолини ташвишга солди.

АКМАЛ Икромов тумани 1-шаҳар милиция бўлими бошлиғи, милиция майори Раҳматулла Шукров уйига эндигина келиб, ҳали бир пиёла чой ҳам хўшламаганди. Бевақт жингиллаган телефон қўнғирогини унинг диққатини бўлди. Ўшақини кўтарганидан, ундан 1-шаҳар милиция бўлими навабатчисининг овози эшитилиб бошланди: «Раҳматулла ака, тезда етиб келмасангиз бўлмайди. Қотиллик рўй берди». У тезда кийиниб йўлга тушди...

Асли бухоролик Юсуф Калонхўжаев бир неча марта қамалиб чиққан. Зангиота туманидаги қариндошлариникида яшай бошлади. Қариндошлари ҳеч қачон йўқ, бола-чақа қилмаган Юсуфни шу ердаги иссиқхонага қоровул қилиб ишга жойлаштиришди. Юсуфнинг ёшлиқдан ортирган бир «қилиғи» бор. Шунинг ҳеч ташлолмади. Ички туради. Ўзига ўхшаш улфат топилса бўлди. Қишлоқ хўжалик лицейи билан иссиқхона ораси бир қадар. У ерда ишловчи қоровул ҳам ўзига ўхшаган йигитлардан чиқиб қолди. Хар сменада мириқиб отамлашишди. Бир гал у, бир гал бу яримта қуяди. Икковлон арақнинг кайфидан бир-бирига бутун бориқлини инъом этишди. Аммо бир кун оқ арақ барибир қора ишини қилди. Икки ҳамшиша нимадандир тортишиб қолди. Қамокда ўтириб чиққан Юсуф Калонхўжаевга шеригининг «муомаласи» ёқмай қолди. У билан ади-бади айтиб ўтиришни ўзига эп билмай, қўксига ошпичоқни урди. Шериги унинг қўлида жон берди. Беш дақиқа олдин бу дунёдан қўз юмган қоровулнинг мурдасини даст кўтариб, шу яқин атрофдан оқиб ўтувчи анҳорга иргитиб қолган бир киши унинг бирор бир ноҳўй иш қилганлигини сезиб, икки ишлар бўлимига хабар берди. Воқеа содир бўлган жойга Акмал Икромов тумани ички ишлар бўлими ходимлари эздилик билан етиб келишди. Қотиллик кен содир этилган бўлса-да шу атрофда яшовчи одамларни безовта қилишга тўғри келди. Қоровулнинг шахси аниқланиб, унга нисбатан тегишли маълумотлар тўпланди. Қўрган-билган кишилар сўраб-суриштиришди.

Қотиллик бир-бир ярим соат олдин содир бўлган, — деди воқеа содир бўлган жойга етиб келган эксперт. Улар қотилликнинг танаси ҳали иссиқ, Кўкрак қисмига бир неча марта пичоқ урилган. Пичоқнинг учи юрак пардасини йиртиб юборганлиги учун у тезда жон берган. Экспертлар ишларини тугатишга майлор Раҳматулла Шукров қотиллик рўй берган жойни синчковлик билан текшириб чиқди. Шунда бирданига унинг диққатини аччиқ-чўққандан ортиб қолган помидор ва пиёз тортди. Ҳали иссиқхона қоровулнинг излаб борганларида унинг хонасида ҳам шундай пиёз ва помидорни қўрган. Қоровулни эса топилмаганди. Демак, иссиқхона қоровулида бир гап бор. Исковуч ит билан яна иссиқхона томон йўл олишди. Ит ҳид олиб, тўғри қоровулхонага кириб борди. Демак қотил қоровул. Шаҳардан чиқиб кетиш йўллари — аэропорт, вокзал, авто-

либ ташланди. Муқаддам судланиб чиққан С.Абдуллаев қамок жазосини ўтаб чиққан ҳам олдинги қилимларидан ҳулоса чиқариб олмасдан, яна жиноят йўлига кириб кетди. Раҳматулла Шукровнинг бир одати бор. Қамалиб чиққанлар билан ўзи гаплашди. Умумий афга тушиб, қамок жазосидан муқаддатдан олдин озод қилинган С.Абдуллаев билан ҳам юзма-юз ўтириб гаплашди. Унга берилган имкониятдан тўғри мақсадда фойдаланиш лозимлигини айтганида С.Абдуллаев «Қамокда ўтириш жонимга тегиб кетган, энди ҳаётимни янгидан бошлайман, оила, болача...» дея сўз берганди. Афсус у сўзининг устидан чиқмади. Суръат Абдуллаев гивандлик моддасини сотганимни ким билиб ўтирибди, дея билганидан қолмади. Бирок

жиноятчи. Бир мағрур, бирининг эса боши ҳам. ...ХОНАГА озғиндан келган, пахмоқ сочили, қўзлари мовий, 18 ёшли қоралаган бир қизни олиб келишди. — Иминг нима, — сўради ундан Раҳматулла Шукров. — Мария. — Нима учун ўғрилиққа қўл урдинглар? — Пул керак бўлиб қолганди. Сўхбат узоқ давом этди. Аввалига Мария ҳаммасини битта ўзим қилганман деб қайсарлик қилган бўлса-да, кейинчалик бир гапни айтиб беришга мажбур бўлди. Узоқ йиллар ички ишлар соҳасида ишлаб, орттирган тажрибалари шундай пайтда иш беради. Ҳудуд Нозир бўлиб хизмат қилганда маҳаллада у ҳаммани яхши танирди. Одамнинг кўзига қараб қилимни айтиб бера оладиган даражага бориб қолганди. Йиллар давомида орттирилган тажриба келгуси ишда кўл келди.

Ҳақиқатан ҳам 10 килограмм юкни зўрға кўтара оладиган Мариянинг бир ўзи икки тонна совунни ўғирлаш имконига эга эмасди. Акмал Икромов туманида жойлашган «Она ва бола» тиббиёт маркази кир ювиш хонасидан ўғирлаб кетилган икки тонна кир ювиш воситасининг таъбири бутун туманга ёйилди. Биров икки тонна деса, сал лофчилар етти тонна дейди. Хуллас маҳаллада дувдуг гап. «Совун» тадбирига майор Р.Шукровнинг ўзи бошчилиқ қилди. Шу ерда ишлайдиганлар бир-бир сўраб-суриштирилди. Экспертлар эшик бўзилиб очилганлигини, унда маълум излар қолганлигини аниқлашди.

Ўғри шу ердан, деган қатъий қарорга келди Р.Шукров. Бу ерда нима бор, нима йўқлигини аниқлашга бегона киши ташқаридан кўрмисизгина бўлган омборхонага ҳеч вақт ўғирликка тушмайди. Кир ювиш хонасида ва унга туташ ошхонада ишлайдиганлар қайтадан тергаб суриштирилди. Дастлабки суриштирувлар гуноҳдорни тасдиқлади. Ўғри кир ювиш хонасида ишловчи Демидова бўлиб чиқди. У шериги Левашов билан 2 тонна кир ювиш воситасини ўғирлаб, арзонгаровга пуллаган. Ачинарлиси шундаки, бундай арзон молдан чеккада қолишни шу ерда ишловчи баъзи бир ошпазлар ҳам истамаган. Билиб туриб ўғирлик молини сотиб олиб, уларга шериклик қилишган. Давлатнинг 70 минг сўмлик моли қайтарилди. Жиноятчилар қилимларига яраша жазоларини олишди.

Раҳматулла Шукровнинг ҳаётида рўй берган бундай воқеалар тафсилотларини ёзиш учун анча вақт керак бўлади. Эл-юрт оёйишталлиги йўлида беминнат хизмат қилаётган бундай фидойилар билан эса фахрланса арзийди. Мирза АБДУЛЛАЕВ, Тошкент шаҳар ИИББ ходими.

Бир мағрур, бирининг эса боши ҳам. ...ХОНАГА озғиндан келган, пахмоқ сочили, қўзлари мовий, 18 ёшли қоралаган бир қизни олиб келишди. — Иминг нима, — сўради ундан Раҳматулла Шукров. — Мария. — Нима учун ўғрилиққа қўл урдинглар? — Пул керак бўлиб қолганди. Сўхбат узоқ давом этди. Аввалига Мария ҳаммасини битта ўзим қилганман деб қайсарлик қилган бўлса-да, кейинчалик бир гапни айтиб беришга мажбур бўлди. Узоқ йиллар ички ишлар соҳасида ишлаб, орттирган тажрибалари шундай пайтда иш беради. Ҳудуд Нозир бўлиб хизмат қилганда маҳаллада у ҳаммани яхши танирди. Одамнинг кўзига қараб қилимни айтиб бера оладиган даражага бориб қолганди. Йиллар давомида орттирилган тажриба келгуси ишда кўл келди.

Ҳақиқатан ҳам 10 килограмм юкни зўрға кўтара оладиган Мариянинг бир ўзи икки тонна совунни ўғирлаш имконига эга эмасди. Акмал Икромов туманида жойлашган «Она ва бола» тиббиёт маркази кир ювиш хонасидан ўғирлаб кетилган икки тонна кир ювиш воситасининг таъбири бутун туманга ёйилди. Биров икки тонна деса, сал лофчилар етти тонна дейди. Хуллас маҳаллада дувдуг гап. «Совун» тадбирига майор Р.Шукровнинг ўзи бошчилиқ қилди. Шу ерда ишлайдиганлар бир-бир сўраб-суриштирилди. Экспертлар эшик бўзилиб очилганлигини, унда маълум излар қолганлигини аниқлашди.

Ўғри шу ердан, деган қатъий қарорга келди Р.Шукров. Бу ерда нима бор, нима йўқлигини аниқлашга бегона киши ташқаридан кўрмисизгина бўлган омборхонага ҳеч вақт ўғирликка тушмайди. Кир ювиш хонасида ва унга туташ ошхонада ишлайдиганлар қайтадан тергаб суриштирилди. Дастлабки суриштирувлар гуноҳдорни тасдиқлади. Ўғри кир ювиш хонасида ишловчи Демидова бўлиб чиқди. У шериги Левашов билан 2 тонна кир ювиш воситасини ўғирлаб, арзонгаровга пуллаган. Ачинарлиси шундаки, бундай арзон молдан чеккада қолишни шу ерда ишловчи баъзи бир ошпазлар ҳам истамаган. Билиб туриб ўғирлик молини сотиб олиб, уларга шериклик қилишган. Давлатнинг 70 минг сўмлик моли қайтарилди. Жиноятчилар қилимларига яраша жазоларини олишди.

Раҳматулла Шукровнинг ҳаётида рўй берган бундай воқеалар тафсилотларини ёзиш учун анча вақт керак бўлади. Эл-юрт оёйишталлиги йўлида беминнат хизмат қилаётган бундай фидойилар билан эса фахрланса арзийди.

Мирза АБДУЛЛАЕВ, Тошкент шаҳар ИИББ ходими.

«02»

ЖИНОЯТ ИЗЛАРИ

воқзалларга тезкор вакиллар жўнатилиб, вазият билан танишиб боришди. Бу орада сўроқ қилинганлардан бири, Калонхўжаевнинг кечки пайт қўлида халта кўтариб лицей томонга ўтиб кетганлигини айтди. У ердан топилган халта қотилнинг айнан шу эканлигига асло шубҳа қолдирмади. Р.Шукров жиноятчининг қочиб қолиш пайида бўлганлигини сезиб, кечки пайт яна бирор аэропортга ўтди. Серсоқол кишининг халти-ҳаракатлари унинг диққатини тортди.

Харакатларидаги бежолликдан «Бу фуқарони текшириб кўриш лозим» деган фикр келди. Айнан шу киши қотил бўлиб, у соқол ёпиштириб Россияга учиб кетишнинг режалаштириб қўйганди. У айбини бўйинга олди.

Шу тариқа қотиллик бир кеча-кундуз ичида очилди. Иш-иш, деб тонг отганидан кеч қоронғусига хизматдан бўшай олмай қолган Раҳматулла Шукров кейинги икки ҳафтада бир марта оиласи даврасида ўтириб бироз дам олди. Болалари билан суҳбатлашиб ўқшини суриштирди. Мардигул опа пиширган мазаги ошни егач, курсига суянганича пинакка кетди.

...ТОШКЕНТ шаҳар Ички ишлар бош башқармаси ходимлари пойтахтга гивандлик моддаларини олиб келиш, сотиш ва тарқатишга қарши бир қатор тадбирларни ўтказишга келишмоқда. «Қора дори» тезкор тадбирида Акмал Икромов тумани ходимлари фаол қатнашиб самарали натижаларга эришмоқдалар. Туман шаҳарининг бир чеккасида жойлашгани, Тошкент вилоятининг Зангиота ва Тошкент тумани билан туташиб кетганлиги сабабли гивандлик моддалари асосан шу туман орқали пойтахтга кириб келишга уринишди. Ўтган 1996 йил туманда бир неча килограммлаб гивандлик моллари ушлаб қолиниб, йўқ қилинган.

Майор Раҳматулла Шукров ва Суръат Абдуллаевлар бу гал яна урчишди. Лекин бу урчишув олдингисидан анча фарқ қиларди. Бир оёйишталлик посбони, бири

қинғир ишнинг қийини қийиб қолишини нимадир эсламади. Охири пайтларда бўлим ҳудудида у ерда, бу ерда тўпланишиб қоладиган ёшлар тўғрисида фуқаролардан аризалар туша бошлади. Бу ёшлар бекорга тўпланишмасди. Бир, икки грамм нашани ўраб чекиб мияларига шайтон васвасаси ўрнашиб олган, ўтган-кетганнинг нафсониятига тегишарди. Бундан хавотирланиб аҳоли ички ишлар бўлимига арз қилганди. Ички ишлар ходимлари ҳам бу бўлаётган ўзгаришларни кўпдан бери кузатиб юришганди.

— Бу Суръатнинг одатдаги иши, — деди Раҳматулла ҳамкасбларини тўглаб. — Оқ айнари вақтида йўқ қилмасангиз бўлмайди.

Жиноят-қидирув хизмати ходимлари гиванд моддаларини сотиб пул қилаётган Суръат Абдуллаевни қўлга олиш чораларини кўришди. Ҳали юқорида айтганимиздек Суръат ҳам анча пихини ёрган кимса. Ходимлар унинг уйини уч кун пойлашди. Лекин биров атайин унга айтиб қўйгандек уйига «мижоз»лар келмади. Тўртинчи кун хуфтондан сўнг Суръатнинг уйи атрофида малласос иши биттанидан қувониб, манзили томон ўқдай учди. Шу пайт ички ишлар ходимлари Суръатнинг уйини тинтув қилишга киришдилар. Тинтув пайтида қоғозларга ўраб, сотувга тайёрлаб қўйилган кучли таъсир этувчи марихуана гивандлик моддаси топилди.

Майор Раҳматулла Шукров ва Суръат Абдуллаевлар бу гал яна урчишди. Лекин бу урчишув олдингисидан анча фарқ қиларди. Бир оёйишталлик посбони, бири



Собир Раҳимов туманидаги «Полвонжон» номли боғча-яслада соғлом авлодни тарбиялаш ишига алоҳида эътибор билан ёндашилади. Бу ерда ҳар йили спорт байрами ўтказилади. Унда тарбияланувчилар спортнинг бир қанча турлари бўйича беллашадилар. Мусобақа ғолиблари боғчалар ўртасида ўтказиладиган туман беллашувига йўлланма олишади.

СУРАТЛАРДА: боғча-яслада спорт байрамидан лавҳалар.

Равиль Альбеков олган суратлар.



ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

**ТОШКЕНТ ШАҲАР АКМАЛ
ИКРОМОВ ТУМАНИДАГИ
306-КЎП ЙЎНАЛИШЛИ ЛИЦЕЙ
1997 — 1998**

**ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН ТАНЛОВ
АСОСИДА**

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

306-лицей ёшларни техника, иқтисод, биология, химия (экология), банк йўналиши танлаган ихтисосликлари бўйича олий ўқув юртиларига киришга тайёрлаш мақсадида чуқур ва мукаммал таълим беради.

Лицейнинг барча бўлимлари бўйича ўқувчиларни 8-синфларга танлаш шу йил 29 июнь кунини бўлиб ўтади.

Танловда техник йўналишидаги синфлар учун — она тили ва адабиёт, физика, математика.

Иқтисод йўналишидаги синфларга кирувчилар учун — она тили ва адабиёт, математика, чет тили (инглиз тили).

Биология-химия йўналишидаги синфлар учун — она тили ва адабиёт, биология, физика.

Банк синфлари учун (9-синфга) — математика, чет тили (инглиз тили), иқтисод, психология фанларидан махсус тестлар ёрдамида тест синови ўтказилади.

Лицейга кирувчилар учун қуйидаги ҳужжатлар зарур:

Лицей директори номига ариза.

7-синфини тугатганлиги ҳақида маълумотнома.

Туғилганлиги ҳақидаги гувоҳномадан кўчирма.

Тиббий маълумотнома.

5х6 см. ҳажмидаги 6 та фотосурат.

Банк йўналишига 8-синфини тугатганлиги ҳақида маълумотнома.

Ҳужжатлар 1 июндан қабул қилинади. Лицейда ўқиш давлат тилида олиб борилади.

**Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А. Икромов
тумани, 31-қават, «Ал-Хоразмий» маззеси.
Телефон: 72-55-96.**

**87, 69, 94-автобуслар, 11, 23-троллейбуслар-
нинг охири «Ал-Хоразмий» бекати.**

ХЎРМАТЛИ ТОШКЕНТЛИКЛАР!

Бизнинг шахримизда анъанавий кўқаламзорлаштириш, ободонлаштириш ва гулзорлар барпо этилмоқда.

Манзарали боғдорчилик ва гулчилик давлат хўжалигида кенг турдаги манзарали гул ва бутасимон гул кўчатлари

СОТИЛАДИ.

Гул кўчатлари: сальвия, гармдори гул (тагетис), гултожиҳўроз (целлозия), кўконгул (циния), иризина, катарантус, алисиум, агератум, бегония, герань, барвинок, селтекрэзия, цинерария маритима, аспарагус офопоген, плюш, колеус ва бошқалар.

Бутасимон гул кўчатлари: аттиргул, яланг гул (розь полиантовье), бересклет, буксус ва бошқалар.

Гул ва бутасимон гул кўчатлари пул ўтказиш билан ва нақд пулга сотилади.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Арнасои кўчаси, 17 (олдинги Пионер кўчаси). **МАНЗАРАЛИ БОҒДОРЧИЛИК ВА ГУЛЧИЛИК ДАВЛАТ ХЎЖАЛИГИ.**

Телефонлар: 77-44-23.

77-45-82.

77-44-52.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Сизнинг рекламаларингизни, хусусий эълонлар ва хусусий бизнес бўйича эълонларни, шунингдек таъзияларни, таваллуд кунлари, тўйлар, юбилейлар муносабати билан кутловларни, никоҳ эълонлари ва шунга ўхшаш эълонларни ўз саҳифаларида бритади.

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кун соат 9.00 дан 17.30 гача қабул қилинади.

Маълумотлар учун телефон: 33-28-95. Факс: (3712) 33-29-09.

**МАНЗИЛИМИЗ: МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ,
32-УЙ, 2-ҚАВАТ, 202-«а»,
206-ХОНАЛАР.**

Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмитаси Раёсат аъзоси С. Воҳидовага турмуш ўртоғи

БОТИР ВОҲИДОВНИНГ бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент шаҳар дезинфекция станцияси маъмурияти шу станция шифокори Зилиҳа Ахматова Турсуновага во